ИШОРА ФЕЪЛЛАРИ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ГУРУҲ СИФАТИДА

М.М.САИДХОНОВ

В языкознании существуют критерии разделения лексем на лексико-семантические группы; в узбекском языке глаголы жестов образуют лексико-семантическую группу согласно семантическим, грамматическим и структурным признакам.

Several criteria of lexeme dividiny into lexikal-semantik groups exist. Jesture verbs in Uzbek form lexikal-semantic groups according semantic, grammar and structural features.

Тилшуносликка оид тадқиқотларнинг бошланиш даври ҳақида гап кетганда, айтиш мумкинки, илк аждодларимизнинг нутқ ирод қила бошлаганларидан буён тил ўрганиб келинмоқда. Инсонда тафаккурнинг пайдо бўлиши ва уни эҳтиёж сифатида қайсидир усул билан бошқа одамга ёки кейинги авлодга (ёзув орқали) етказишнинг ўзиёқ тилнинг асосий вазифаси бўлмиш алоқа-аралашувнинг юзага чиқи-

шини, маълум ахборотнинг узатилишини билдиради. Гарчи бугунда кенг маънода тилшуносликнинг ўрганиш объекти сифатида қаралаётган масалалар ҳали тилшунослик шаклланмаган пайтда – эрамиздан аввалги даврда фалсафа, мантиқ, нотиқлик санъати каби фанлар таркибида ўрганиб келинган бўлса-да, **тил ва тафаккур, нарса ва ном, нарса ва тушунча, борлиқ ва белги, тил ва нутқ** каби муаммолар юқорида келтирилган фанларнинг ўрганиш объекти сифатида тадқиқ этилган.

Бугунги кунга қадар тилшунослик фани кенг миқёсда ўрганилиб, ўзининг тадқиқий чегарасига, ўрганув бирликларига, таркибий қисмларига, мустақил мақомига эга бўлди. Билишнинг амалий босқичидан назарий босқичига ўтиш билан янада кенгроқ қамровга эга бўла бошлади. Бу давр мобайнида барча фанлардаги каби тилшунослик ҳам муайян босқичларни босиб ўтди, кейинги босқич аввалги босқич заминида ҳосил бўлди, олдинги босқич янги босқич такомили учун омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Тилга систем-структур ёндашув тилшуносликнинг фан сифатидаги ўрганиш объектини ҳам, унинг бирликларини ҳам, метод ва методологиясини ҳам ўзгартириб юборди. Албатта, шу пайтгача тил илми қўлга киритган ютуқларни инкор этмаган ҳолда, систем тилшунослик янги ривожланиш йўлига чиқди.

“XX асрнинг охирги чораги ва XXI аср бошларидаги ўзбек тилшунослиги ҳам ана шундай жараённи ўз бошидан кечира бошлади. Айюб Ғулом асос солган ўзбек миллий тилшунослиги ютуқларини эътироф этган ва унга таянган ҳолда, ўзбек тилининг ички структур белгиларини ёритишга ёрдам берадиган янги тадқиқот методларини қўллашга интилиш кучайди” [1].

Биргина феъл сўз туркуми тадқиқига оид илмий қарашларни ўрганиш асосида ўзбек тилшунослигида систем-структур тилшуносликнинг таъсирини кузатишимиз мумкин бўлади. Феъл сўз туркуми сифатида унинг лексик маъноси, грамматик категориялари, ясалиши, ўзгариш хусусиятлари ҳамда синтактик вазифаси А.Ғуломовнинг “Феъл” монографиясида тавсиф этилган бўлса [2], А.Ҳожиев феъл туркумининг маъно хусусиятларига ва асосан грамматик хусусиятларига янада аниқлик киритиб, “шахс-сон, замон ва майл категориялари феълларга хос грамматик категориялар эканини ва бу грамматик категорияларнинг ҳар бири бирдан ортиқ грамматик маънога ва шу маънога хос грамматик формаларга эга”[3] эканини таъкидлайди ва назарий асослаб беради.

Сўзларнинг грамматик хусусиятлари уларнинг семантик жиҳатлари билан чамбарчас боғлиқ экани, бири иккинчисини тақозо этиши ўзбек тилидаги ишора феълларида янада яққолроқ намоён бўлади. Шу билан бирга ишора феълларининг нутқ лингвистикасининг бирлиги бўлмиш алоқа-аралашувда ишлатиладиган имо, ишора, гавда ҳаракатлари ва овоздаги маъноли жиҳатларнинг вербаллашган ифодаси (тил лингвистикаси бирлиги) эканини эътиборга олсак, ички ва ташқи лингвистиканинг диалектик боғлиқ ҳолда ўрганилиши мақсадга мувофиқ эканидан далолат беради.

Ишора феълларининг семантик хусусиятлари, феъл маъно турларида тутган ўрни, структур жиҳатлари, грамматик хусусиятлари ва услубий ҳамда матний жиҳатларининг ўзига хос эканлиги ушбу феъл гуруҳини монографик планда тадқиқ этишни тақозо этади.

Феъллар барча тилларда маъно хусусиятлари жиҳатидан, грамматик категорияларига кўра ва гапни ташкил этишда асосий вазифани бажариши нуқтаи назаридан бошқа туркумлардан ажралиб туради. “Феъл энг мураккаб ва энг кенг сиғимли грамматик категория” эканини академик В.В.Виноградов ҳам алоҳида таъкидлайди. Н.А.Баскаков «кўп аспектлилик, луғавий сиқиқлик, морфологик йиғинчоқлик» туркий феълларга хос эканини кўрсатиб ўтади.

Феъллар тилда алоҳида тизим сифатида мавжуд элементларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигидан иборат бўлиб, феъл лексемалари семантикасини унинг парадигматик ва синтагматик хусусиятларидан айро ҳолда тадқиқ этиш мумкин эмас. Ёки феъл дистрибуцияси, ундаги бошқарув хусусияти унга тобе компонентнинг муайян шаклда келишини талаб этар экан, бу семантика ва синтаксиснинг диалектикасидан дарак беради, “гапнинг тузилиши унинг таркибидаги феълнинг семантик хусусиятларига боғлиқ бўлади”.

Ўзбек тилида ишора феъллари номи остида тадқиқ этилаётган бирликлар феъл семантик тизимида алоҳида ўринни эгаллайди. Энг аввало лексик бирликларнинг ўзаро муносабатини ва шунга асосан уларнинг гуруҳланишини ўрганиб чиқишимиз даркор. Негаки, “умумийлик-хусусийлик” тамойили тадбиқи асосида лексемалар семемалари муносабати уларни турли гуруҳларга бирлашишини тақозо этади. Умуман, семантик йўналиш бугунги ўзбек тилшунослигида, қолаверса, жаҳон тилшунослигида марказий ўринни эгалламоқда. Чунки тилни семантик аспектда ўрганмасдан туриб, унинг табиатини, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини, инсон тафаккури билан алоқасини чуқур англаб етиш мумкин эмас.

Феълларни семантик гуруҳларга ажратиш бўйича тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, тилшуносликда бу масалага ёндашувда турлича қарашлар мавжуд.

Айрим тадқиқотчилар (Ф.П.Филин, Л.М.Васильев) лексик-семантик гуруҳ семантик майдоннинг қисми деб талқин қилсалар, бошқалар (А.А.Уфимцева) ҳар иккаласини тенг кучли парадигматик бирлашмага киритадилар. Э.В.Кузнецова эса лексик-семантик гуруҳлар билан сўз туркумларини бир ҳодиса сифатида ўрганиш тарафдори эканини айтади [4].

А.Т.Липатов семантик гуруҳларга ажратишда компонентларининг семантик жиҳатдан алоқадор бўлиши, бир туркумга кириши, қиёслаш мумкин эканлиги каби белгилар асосида ёндашишни таклиф этади [5].

Лексемаларни семантик гуруҳларга ажратиш бўйича ўзбек тилшунослигида олға сурилган фикрлар бири иккинчисидан катта фарқ қилмайди. Барча олимлар лексемаларнинг гуруҳланишида умумлаштирувчи семаларга бирлашиш ҳодисаси асос қилинишини айтиш билан бирга улар поғонали муносабатда бўлишини таъкидлайдилар ва ҳар бир поғонадаги лексемалар гуруҳи катта-кичиклигига кўра номланиши айтилади.

А.Ҳожиев: “Умумий (бирлаштирувчи – М.С.) семаси асосида сўзлар муайян гуруҳга бирлашади ва бу гуруҳлар сўзларнинг маънога (луғавий маънога) кўра гуруҳи ҳисобланади ва одатда сўзларнинг семантик гуруҳи деб юритилади” [6], - деб айтиш билан бирга ушбу ҳодиса лексикологиянинг ўрганиш объекти эканини таъкидлаб, айрим лексемаларда “туркумлик семалари” мавжуд бўлмайди, деган фикрларни инкор этиб, “бу маъно (туркумлик маъноси – М.С.) грамматик маъно” ҳисобланишини айтиб ўтади.

Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловларнинг “Ўзбек тили систем лексикологияси асослари” номли монографиясида “лексемаларни тизим сифатида таҳлил қилишдаги асосий мезон уларни ўзаро ички муносабатлар асосида муайян қаторларга, гуруҳларга, тур ва туркумларга – катта-кичик парадигмаларга (ўхшашлик қаторларига) бирлаштириш” экани таъкидланиб, “лексемаларни ЛМГ (лексик мазмуний гуруҳлар – М.С.)га бирлаштиришда уларни шундай белгилар остида бирлаштириш лозимки, бу гуруҳга бирлашувчи лексемалар муайян соҳага, муайян туркумга оид бўлиб, улар орасида ўхшашлик жуда кўп, фарқ эса оз бўлсин” деган тезисни олға сурадилар [7].

Муаллифлар томонидан ЛМГлар лексик мавзу тўдалари (ЛМТ)га бирлашиши, улар эса маълум сўз туркумлари доирасида бўлиши айтиб ўтилган.

Р.Сайфуллаева бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан яратилган “Ҳозирги ўзбек тили” ўқув қўлланмасида “лексемаларнинг маълум бир сўз туркуми доирасида катта-кичик маъновий гуруҳга ажралиши” қуйидаги тартибда берилади: “луғавий мавзувий майдон (ЛММ), луғавий мавзувий тўда (ЛМТ) ва луғавий маъновий гуруҳ (ЛМГ). Одатда бу мажмуалар орасидаги фарқ катта-кичикликда” [8] эканлиги таъкидланади.

А.Нурмонов ҳам Р.Сайфуллаева бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан ёзилган ўқув қўлланмасидаги лексик тизимни эътироф этиб, маълум мазмун умумийлиги остида бирлашган мавзувий тўдалар “ўз ичида қатор ЛСГ (лексик-семантик гуруҳ)ларни бирлаштиради” деб ёзади [9].

Кўриниб турибдики, ҳар бир тилдаги лексик бирликлар Ф.де Соссюр таъбири билан айтганда, ўзаро бир неча муносабат турларидан иборат бўлади. Мана шу муносабатлар уларнинг бирикишига, фикр ифодалашига, матн ҳосил қилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Ишора феъллари феъл туркумидаги лексик-семантик гуруҳ бўлиб, киши органи ҳаракати натижасида нутқда ҳаракатдан англашилган маънони билдириб келади.

Феъл лексемалар семантикаси бўйича тадқиқотлар ўрганилганда, уларнинг маъновий гуруҳланиши турлича эканини кузатиш мумкин. Бунга сабаб юқоридаги каби лексемаларни гуруҳлашдаги қарашларнинг турличалигидир.

Феълларнинг морфологик, синтактик хусусиятларидаги фаоллик ва ўзига хосликнинг сабабини бевосита феъл семантикасидан ахтаришимиз жоиз саналади. Шунинг учун ҳам ҳар бир тилда феъл семантикасига алоҳида эътибор билан қаралган ва қатор тадқиқотлар олиб борилган. Феъл семантикаси бўйича А.Потебня, Ф.Я.Фортунатов, А.А.Шахматов, А.М.Пешковский, В.В.Виноградов, А.Н.Смирницкий, С.Д.Кацнельсон, Ю.С.Маслов, Ю.Д.Апресян, В.Г.Гак, Р.В.Кузнецова, Л.М.Васильев, Р.М.Гайсина, В.П.Бахтина каби улуғ тилшуносларнинг тадқиқотлар олиб борганлари, феъл маъно гуруҳларини аниқлаш ва ажратиш борасидаги назарий концепциялари феълларнинг семантик тадқиқи борасида катта аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Туркий тилларда феълнинг маъно хусусиятлари Г.К.Кулиев, С.А.Ризаев, Н.К.Дмитриев, Н.З.Гаджиева, Э.Р.Тенишев, В.Ф.Вещилова, А.А.Юлдашев, И.Қўчқортоев, К.Холиқов, К.Р.Раҳмонбердиев, А.А.Цалкаламанидзе, М.Содиқова, Р.Расулов, А.Нурмонов, Р.Сайфуллаева, С.Муҳаммедова, Ў.Шарипова каби олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, феъл лексемалар уларда феъл маъно гуруҳлари, лексик-семантик гуруҳлар, лексик-грамматик гуруҳлар тарзида ажратилган ва гуруҳлаш

тадқиқотчиларнинг нуқтаи назарлари асосида амалга оширилган.

Маълумки, феъл лексемаларни семантик таснифлашда 3 тамойил асосида ёндашилади: 1) денотатив (ёки тематик); 2) парадигматик ва 3) синтагматик.

Денотатив нуқтаи назардан лексемалар таснифида асосий эътибор предмет, белги, ҳаракат, ҳолат, фаолият кабиларнинг тил структурасидаги табиий, онтологик ҳолатига қаратилади. Шу нуқтаи назар феъл лексемаларнинг семантик гуруҳланишида асосий саналиб, унда сўзловчи томонидан лексемани реал борлиқда идрок этилиши асос қилинади. Албатта, унда экстралингвистик омиллар ҳам эътиборга олинади.

Лексемаларнинг парадигматик таснифи сўз маъноларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли компонентлари асосида амалга оширилади ва унда лексик-грамматик гуруҳлар шаклланади

Синтагматик тамойилда феълларнинг бирикувчанлик имкониятлари, уларнинг миқдорий ва сифатий валентликлари эътиборга олинади.

Феълларнинг семантик таснифида поғонавийлик асосида ёндашувда умумийлик – хусусийлик тамойили асос қилиб олинган бўлиб, маълум бир семантик гуруҳ ўз ичида умумлаштирувчи семалар асосида яна гуруҳни ташкил этади.

Р.М.Гайсина феъл лексемаларнинг семантик гуруҳланишини “ярус”лар асосида беради. У феълларни семантик жиҳатдан уч гуруҳга ажратади: 1) ҳаракат, 2) ҳолат, 3) муносабат феъллари. Бу гуруҳлар лексик-семантик гуруҳларнинг умумлаштирувчи омиллари асосида ҳосил бўлади. Масалан, ҳолат феъллари сезги, маконда жойлашув, жисмоний ҳолат, ташқи кўринишнинг ўзгариши ва бошқа феъллар лексик-семантик гуруҳларидан таркиб топади. Ишора феъллари ҳаракат феъллари гуруҳининг хулқ-атвор (хатти-ҳаракат) лексик-семантик гуруҳи таркибида берилган [10].

М.М.Васильев феълларни алоҳида синфларга ва кичик синфларга бўлишда денотатив тамойил асос бўлишини эътироф этган ҳолда, феълларни 4 та катта гуруҳга ажаратади: 1) сезги феъллари, 2) интеллектуал фаолият феъллари, 3) нутқ феъллари, 4) хулқ-атвор феъллари [11]. Туркий тилларда феълларни семантик жиҳатдан таснифлашда ҳар хилликни кузатиш мумкин. Н.К.Дмитриев таъбирича, туркий тилларда феъллар 4 семантик гуруҳга бўлинса [1) нутқ феъллари, 2) сезги феъллари, 3) фаолият феъллари, 4) ҳаракат феъллари)], К.Холиков номинатив маъносига кўра ўзбек тилидаги феълларни 5 гуруҳга бўлишни таклиф этади [1) ҳаракат феъллари, 2) субъект таъсирида турли ўзгаришларга учровчи феъллар, 3) ҳаётий жараённи ифодаловчи феъллар, 4) ҳолат феъллари, 5) эришиш маъносини билдирувчи феъллар)]. Диссертацияда юқоридаги феъллар яна 15 та лексик-семантик гуруҳга бўлинади [12]. Феълларнинг семантик гуруҳланишидаги ҳар хилликларни М.Содиқова қуйидагича изоҳлайди: ”табиатдаги юз берадиган турли ҳаракатлар, ҳолатлар, сезиш ва таъсирланиш ҳодисалари бениҳоя турли-туман, мураккаб ва майда”дир.

Бундай ҳодисаларнинг деярли ҳаммаси тилда феъл формалари орқали ифода этилади. Бас, шундай экан, уларнинг лексик-семантик гуруҳларини аниқлаш, хилларга ажратиш ҳам ўз-ўзидан катта қийинчиликларга олиб келади ва турлиликларни келтириб чиқаради, - деб ёзади ва феълларни Р.М.Гайсина каби 3 катта гуруҳга ажратади: 1. Ҳаракат феъллари. 2. Ҳолат феъллари. 3. Муносабат феъллари. Ҳаракат феълларини таҳлил қилар экан, М.Содиқова уларни фаол ва пассив феъллар гуруҳига бўлиб, фаол ҳаракат феълларига, асосан, инсон ҳаракатини киритади ва 1) оёқ ҳаракати, 2) қўл ҳаракати, 3) хатти-ҳаракатнинг ифодаланиши ва 4) гапириш ҳаракатига ажратади.

“Хатти-ҳаракат (қилиқ - жесть) ва унинг ифодаланиш усуллари” гуруҳида субъект ўзининг психологик ҳолат ва муносабатини мимикадан ташқари яна турли “қўшимча хатти-ҳаракат билан ифодалайди”, - деб ёзади ва экспрессив, модал муносабат хатти-ҳаракат, қилиқ (жесть) орқали ҳам билдирилишини ва уларнинг маълум маъно ифодалашини таъкидлайди [13]. Олима докторлик диссертациясида феълларни гуруҳлашда кулги-мимика ҳаракатига хос феъллар гуруҳи ҳам бор эканини ва улар “инсоннинг эмоционал-экспрессив ҳолатларини акс эттиришини айтиб ўтади”[14]. Диссертацион тадқиқотнинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда М.Содиқова кулги-мимика ҳаракатига хос феълларни услубий нуқтаи назардан таҳлил қилади ва уларнинг иккиламчи маъно ифодалашига, унинг ўзига хос лексик-семантик, грамматик жиҳатларига тўхталиб ўтмайди, уларни коммуникатив бирлик сифатида талқин этмайди. Чунки бу масалалар тадқиқотчининг ўрганув объектига кирмайди.

Р.Сайфуллаева бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан нашр этилган “Ҳозирги ўзбек тили” ўқув қўлланмасида **ҳаракат, нутқ, ҳолат, натижали фаолият, тафаккур, муносабат** феъллари каби мазмуний гуруҳлар келтириб ўтилади ва ҳаракат феъллари “юриш, таъсир этиш ва зарб бериш каби кўринишлардабўлиши, “қўл, оёқ, юз, оғиз, гавда билан боғлиқ ҳаракатларда ҳаракат-

ланувчи объектлар яққол кўриниб туриши" айтилади. Келтирилган мисолларда чапак чалмоқ, (қўлини – М.С.) пахса қилмоқ каби ишоравий маъно ифодаловчи феъллар ҳам келтириб ўтилади [15].

И.Қўчқортоев, Р.Расуловларнинг нутқ феъллари ва ҳолат феъллари семантикасига оид тадқиқотлари феълларни системавий-структур ва компонент таҳлил қилиш бўйича ўзбек тилшунослигида катта воқеа бўлганини [16] бу йўналишдаги кейинги ишлар учун назарий асос қилиб олинганидан ҳам билсак бўлади [17].

Феъл лексемаларнинг семантик гуруҳланиши нуқтаи назарга боғлиқ экани ҳақидаги қарашлар У.А.Керимов ва бошқалар томонидан "Переподавания языка и литературы" журналида чоп этилган мақолада ҳам ўз аксини топган. Муаллифлар маълум туркумга алоқадор сўзларнинг маъно хусусиятидан келиб чиққан ҳолда тушунча билан шакл мутаносиб келмаслиги мумкинлигини, бу ўринда лексик маъно устуворлиги асосида лексема семантикаси таснифи бошқача кўриниш олишини айтиб ўтадилар ва феъл семантик гуруҳини (дочерной) қўшимча семемаси асосида 3 гуруҳга ажратадилар: 1.Белги феъллари (кўкармоқ, қизармоқ). 2.Ҳолат феъллари (севмоқ, ухламоқ). 3.Ҳаракат феъллари (урмоқ, югурмоқ). Феъл лексемалари семантикасини бу каби таснифлаш мақсадга мувофиқ эмас. Негаки бу каби гуруҳлашда жуда кўп феъл лексемалар эътибордан ташқарида қолиб кетиши мумкин.

А.Собиров феъл лексемаларни мазмуний майдон нуқтаи назаридан 2 та катта гуруҳга ажратиш тарафдори эканини айтиб, "I. Ҳаракатни ифодаловчи лексемаларнинг микромайдони. II. Ҳолатни ифодаловчи лексемаларнинг микромайдони"га бўлади. Феъл лексемаларга (ҳар иккала гуруҳ) 4 тўдага ажратади (1) тирик организмга, 2) инсонга, 3) ҳайвонга, 4) нарса ва жисмларга хос бўлган ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи мавзувий тўдалар). Инсонга хос ҳаракат-ҳолатни ифодаловчи феъл лексемалар таркибида "Инсоннинг тана аъзолари ҳаракат ва ҳолатини ифодаловчи лексемалар"нинг мавзу тўдалари берилган ва унда **қўл, оёқ, тил, тиш, лаб, қош, пешона, қулоқ, юрак, қорин** ҳаракати ва ҳолатини ифодаловчи лексемалар ўз ифодасини топган [18]. Келтирилган мисолларда киши органи ҳаракати натижасида ҳосил бўладиган феъллар ҳақида гап боради: тепмоқ, депсанмоқ, юрмоқ, (оёқ), тишламоқ, пломбаламоқ (тиш), чимирмоқ, сузмоқ (қош) ва бошқалар. Ушбу феъл лексемалар киши органининг ҳаракати натижасида юзага чиқадиган ҳаракат маъносини билдириб, киши органлари феъл лексема семаларидан бирини ташкил этади. Масалан, **эшитмоқ** лексемасида қулоқ ёрдамида, овоз семалари мавжуд, **тепмоқ** лексемасида оёқ ёрдамида, бирор нарсага таъсир этиш семалари бўлади.

Ишора феъллари юқорида келтирилган лексик-семантик гуруҳдаги феъллардан ҳам структур, ҳам семантик жиҳатдан фарқланиб, семиотик хусусият касб этади. Киши органи ҳаракати адресат учун рамзий (келишилган) маънони англатиш учун хизмат қилади. Ҳаракатдан англашилган ишоравий маъно ифодаланади. Шунга кўра юқорида келтирилган феъл семантик гуруҳларида А.Нурмонов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан нашр этилган "Ҳозирги ўзбек адабий тили" дарслигида ишора феъллари феълларнинг маъно гуруҳлари ичида алоҳида гуруҳ сифатида берилган бўлиб, **имо қилди, лабини бурди, кўзини қисди** каби феъллар мисолида келтирилган [19].

Ишора феълларини инсон ҳаракати натижасини ифода этувчи (кўрмоқ, эшитмоқ, юрмоқ) феъллари билан бир гуруҳга киритса бўладими? Улар ҳаракат феъллари тўдаси таркибида ўрганиладими? Бизнингча, ҳаракат ва ҳолатни (кенг маънода) ифодалаш феълларнинг туркумлик маъноси (лексик маъноси) – худди сифатлар белгини, отлар номни билдиргани каби. Шунга кўра ҳаракат ёки ҳолат семалари ҳар бир феълда ўз ифодасини топиши табиий. Масалан, **гапирмоқ** нутқ феъли эса-да, гапириш ҳаракатини англатади, **саломлашмоқ** муносабат билдирувчи феъл гуруҳига кириши билан бирга саломлашиш ҳаракати натижаси саналади. Шу каби **бош ирғади, қўлини кўтарди** каби сўзлар йиғиндисида ҳам ҳаракат маъноси яққол намоён бўлмоқда: бошни вертикал йўналиш бўйича (пастга) ҳаракатлантирилади, қўл кафтлар очиқ ёнга қаратилган ҳолда бош баробарида **кўтарилади** (сўз сўраш, овоз бериш ва бошқа маънолар ифодаланади).Ишора феъллари таркибидаги сўзлар ўзаро бирикма ҳосил қилган бўлса-да ва феъл маъноси органнинг ҳаракатланишини билдириб келса-да, умумий сўзлар комплексидан англашилган маънода ҳаракат семаси мавжуд бўлмайди: **қўл кўтармоқ – менга сўз беринг, мен розилик билдираман, фикрга қўшиламан**. **Қўл кўтармоқ** сўзлар йиғиндисидан англашилган маъно уни нутқ феъли томон яқинлаштиради. Е.Я.Кедрова: "агар реал мулоқат жараёнида ишоралар ишлатилса, тилда ишора феъллари мавжуд бўлади. Ишоралар коммуникатив маъно ифода этувчи киши органи ҳаракатини ифодалар экан, феъл лексема сифатида 1) киши органи ҳаракатини, 2) комуникатив маънони билдиради. Бу эса биринчи белгиси сифатида ишора феълларининг ҳаракат феъллари

гуруҳини, иккинчи жиҳатига кўра нутқ феъллари гуруҳига мансуб эканини билдиради", - деб айтади [20].

М.Содиқова «кулги-мимика ҳаракатига хос феъллар» гуруҳи жумласига кирувчи феълларни, "кулги-мимика ҳаракатлари инсоннинг эмоционал-экспрессив ҳолатларини акс эттирувчи ҳаракатларидан бири ҳисобланади", - деб ёзади ва 1) кулги феъллари, 2) мимик феъллар, 3) йиғлаш феъллари ва 4) кўз қарашларини ифодаловчи феъллар кичик гуруҳларига бўлади [21]. Олима бу гуруҳни ташкил этувчи феъллар **эмоционал-экспрессив, руҳий-психологик** ҳолатни ифода этишини айтиб ўтади. Ш.Баллининг лексемалар нутқий фаолиятда фақат муайян фактлардангина иборат бўлмаганидай, ҳар қандай нутқий ҳиссиётда ҳам муайян фактик материал бўлишини назарда тутганда, эмоционаллик ва экспрессивлик ҳар бир сўзнинг нутқ оқимидаги атрибути саналади ва ишора феъллари ҳам фикр ифодасидаги муайян эквивалентига нисбатан модаллик ифодалайди.

Рози бўлмоқ – бошини қимирлатмоқ, ачинмоқ – бошини сарак-сарак қилмоқ, аччиқланмоқ – муштини тугмоқ. Берилган феъллар ишора феъллари билан бир хил маъно ифодаласада, ишора феълларида коммуникатив жараён визуал ҳолда намоён бўлади, қолаверса, табиийки, "жонли нутқ" ифодаланади.Бу эса ўз-ўзидан сўзга экспрессивлик, эмоционаллик каби маъно нозикларини юклайди. "Эмоция (ҳис-туйғу)нинг психик базаси назариясига кўра ҳар қандай нутқий фаолият ўз табиатига кўра эмоционалдир"[22].

А.Нурмонов: "Конкрет нутқ вазиятида маълум бир маъно ифодаловчи имо-ишоралар шу нутқ вазиятини қайта ҳикоя қилиб бериш жараёнида маълум лингвистик бирликлар ёрдамида тасвир қилинади. Бу феъллар семантик томонидан **ишора феъллари** деб юртилади", - деб ёзади [23].

Юқоридаги фикрлар асосида шуни айтиш мумкинки, **ишора феъллари** номи остида жамланадиган феъллар номинатив ва семантик хусусиятларига кўра умумийликка эга бўлгани ва бошқа феъллардан фарқланиши натижасида, қолаверса, структур, семантик, грамматик, коммуникатив хусусиятларига кўра алоҳида гуруҳни ташкил этади.

АДАБИЁТЛАР:

[1] Nurmonov A. Struktur tilshunoslik: ildizlari va yo`nalishlari.T.:Ta'lim.- 2009.- B.3 [2] Ғуломов А. Феъл.- Т., 1954. [3] Ҳожиев А. Феъл. – Т.: Фан, 1973.- Б.79 [4] 4. Кузнецова Э.В. Части речи и лексико-семантическая группа слов//Вопросы языкознания.- 1975.-№.- С.80 [5] Липатов А.Т. Лексико-семантические группы слов и моносемная поля синонимов // Филологические науки.- 1981.- №2.- С.51-57 [6] 6. Ҳожиев А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти.- 2007.-№ 1.- Б.7 [7] Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Т.: Ўқитувчи. 1995.- Б.112 [8] Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили.- Т., 2007.- Б.119 [9] Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси.- Т.: Фан, 2008.- Б.77-78 [10] Гайсина Р.М. К семантической типологии глаголов русского языка. // Семантические классы русских глаголов.- Свердловск, 1982.- С.18 [11] Васильев Л.М. Семантические классы русского глагола. Автореф…дис. док. филол. наук.- Л., 1971 [12] Холиков К. Глаголы движения в современном узбекском языке. АКД. Самарканд.- 1962.- Б.3 [13] Содиқова М.Феъл стилистикаси. –Т.: Фан, 1975.- Б.61 [14] Содиқова М. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси. Филология фанл. докт.... диссертацияси.- Т., 1991.- Б.70 [15] Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. Т.: 2007. [16] Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги.- Т.: Фан, 1977. Расулов Р.Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари.- Т, 1989 [17] Шарипова Ў. Ўзбек тилида юмуш феълларининг маъно валентлиги. Филол. фанлари номз...дис. автореф.- Т., 1996; Муҳаммедова С. Ўзбек тилида йўналишли ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги. Филол. фанлари номз...дис. автореф. Т.: 1999 [18] Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш.-Т.: Маънавият, 2004.- Б.107-119, 160 [19] Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили.- Т.: Шарқ, 2002.- Б.248-249 [20] Кедрова Е.Я. Вербальное обозначение жестов персонажей при передачи прямой речи в художественном тексте.- Ростов на Дону, 1980 [21] Содиқова М. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси. Филология фанл. докт.... диссертацияси.- Т.: 1991.- Б.70 [22] Муҳаммедова С. Ҳаракат феълларининг эмотив валентлиги // Ўзбек тили ва адабиёти.- 2002- № 4.- Б.24 [23] Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари.-Андижон, 1980.- Б.10

Андижон давлат университети,
2010 йил 22 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)